

Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга инвестициялар


2025 йил январь-декабрь ойлари учун

- I. Барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестициялар
- II. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар
- III. Асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар
- IV. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий соҳа объектларини ишга тушириш
- V. Асосий капиталга инвестициялар бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

I. Барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестициялар

Сўнгги беш йил давомида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми динамикаси шунини кўрсатмоқдаки, 2025 йил январь–декабрь ойларида ушбу кўрсаткич 2021 йилга нисбатан қарийб 1,8 баробарга ошди.

Асосий капиталга инвестициялар динамикаси



Сўнгги беш йил мобайнида ўсиш суръатларини кўрадиган бўлсак, улар ўсиб бориш тенденциясига эга бўлиб, 2024 йилда энг юқори ўсиш суръати – 131,3 % кузатилган бўлса, 2025 йилнинг январь-декабрь ойларида ушбу кўрсаткич 110,5 %ни ташкил этди.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Асосий капиталга инвестициялар ҳажми \(чораклик\)](#)

[Асосий капиталга инвестициялар ҳажми \(йиллик\)](#)

[Асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръати \(чораклик\)](#)

[Асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръати \(йиллик\)](#)

Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантиришга 2025 йил январь-декабрь ойларида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 591,1 трлн сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди ва бу кўрсаткич 2024 йилга нисбатан 10,5 %га ошди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга инвестициялар

2025 йил январь-декабрь ойлари учун

	Ҳажми, млрд сўм	ўсиш суръати %да	умумий ҳажмга нисбатан, %	
			2024 й.	2025 й.
Жами	591 141,0	110,5	100,0	100,0
марказлашган инвестициялар:	62 618,6	113,6	10,3	10,6
республика бюджети	28 002,0	105,8	4,9	4,7
тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	2 109,5	68,0	0,6	0,4
шу жумладан, млн АҚШ долларида	166,2	70,1	–	–
Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитлар	32 507,1	127,2	4,8	5,5
шу жумладан, млн АҚШ долларида	2 577,7	135,3	–	–
марказлашмаган инвестициялар:	528 522,4	110,2	89,7	89,4
корхона маблағлари	90 311,1	100,8	16,7	15,3
аҳоли маблағлари	37 472,2	106,2	6,4	6,3
хорижий инвестициялар ва кафолатланмаган хорижий кредитлар	389 589,6	113,2	64,6	65,9
шу жумладан, млн АҚШ долларида	30 917,0	119,9	–	–
шундан:				
хорижий инвестициялар	281 128,8	146,9	36,0	47,5
шу жумладан, млн АҚШ долларида	22 360,4	156,1	–	–
тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	11 149,5	104,6	2,0	1,9

2025 йил январь-декабрь ойларида марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан ўзлаштирилган ҳажм 62,6 трлн сўмни ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан 13,6 %га ошди. Уларнинг жами асосий капиталга инвестициялар ҳажмидаги улуши эса 10,6 %га етди.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Республика бюджети ҳисобидан асосий капиталга инвестициялар ҳажми \(йиллик\)](#)

[Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан асосий капиталга инвестициялар ҳажми \(йиллик\)](#)


[Ўзбекистон Республикаси кафолати остида хорижий кредитлар ҳисобидан асосий капиталга инвестициялар ҳажми \(йиллик\)](#)

[Корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан асосий капиталга инвестициялар ҳажми \(йиллик\)](#)

[Тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан асосий капиталга инвестициялар ҳажми \(йиллик\)](#)

[Аҳоли маблағлари ҳисобидан асосий капиталга инвестициялар ҳажми \(йиллик\)](#)

Йиллар бўйича марказлашган ва марказлашмаган молиялаштириш
манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестициялар улуши



Ҳудудлар кесимида асосий капиталга инвестицияларнинг
молиялаштириш манбалари бўйича таркиби

	Жами инвестициялар, млрд сўм	шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича, жамига нисбатан %да:					
		Республика бюджети	Корхона ва ташкилот	Аҳоли	Хорижий инвестиция ва кредитлар	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	Тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари
Ўзбекистон Республикаси¹	591 141,0	4,7	15,3	6,3	71,4	0,4	1,9
Қорақалпоғистон Республикаси	27 010,1	3,8	14,6	6,0	73,2	–	2,4
<i>вилоятлар:</i>							
Андижон	32 909,9	3,8	8,9	7,6	77,7	0,8	1,2
Бухоро	42 916,0	2,5	11,8	8,3	76,9	–	0,5
Жиззах	24 889,9	4,9	14,0	5,1	75,5	–	0,5
Қашқадарё	39 876,0	3,6	14,1	7,0	73,3	1,4	0,6
Навоий	43 113,2	1,8	9,5	5,8	82,0	–	0,9
Наманган	61 125,3	3,0	8,2	5,7	82,3	–	0,8
Самарқанд	38 281,9	5,1	19,9	4,6	67,0	0,3	3,1
Сурхондарё	22 758,4	8,7	10,9	11,6	65,9	–	2,9
Сирдарё	17 227,2	4,7	10,2	2,2	75,3	3,9	3,7
Тошкент	79 352,0	4,7	20,0	6,3	67,1	–	1,9
Фарғона	32 466,8	3,8	11,3	9,6	71,8	0,2	3,3
Хоразм	22 621,2	7,1	5,9	17,7	67,9	–	1,4
Тошкент ш.	105 708,3	6,8	26,0	2,7	61,0	0,4	3,1

¹ Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмни қўшган ҳолда.

II. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар

Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибида ишлаб чиқариш саноати етакчи ўрин эгаллайди. Амалга оширилаётган йirik инвестиция лойиҳалари натижасида ушбу иқтисодий фаолият турида жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 160,5 трлн сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 27,2 %и ўзлаштирилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий
капиталга ўзлаштирилган инвестициялар

2025 йил январь-декабрь ойлари учун

	Ҳажми, млрд сўм	умумий ҳажмга нисбатан, %да	
		2024 й.	2025 й.
Асосий капиталга инвестициялар – жами	591 141,0	100,0	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	51 181,1	5,1	8,7
тоғ-кон саноати	58 807,9	12,2	9,9
ишлаб чиқариш саноати	160 526,9	27,0	27,2
электр энергияси, газ, буғ ва кондицияланган ҳаво	78 345,3	14,4	13,3
сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва қайта фойдаланиш	13 614,8	1,4	2,3
қурилиш	42 191,6	8,0	7,1
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	23 213,5	5,3	3,9
ташиш ва сақлаш	35 155,0	4,9	5,9
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	8 774,8	0,9	1,5
ахборот ва алоқа	10 199,2	3,3	1,7
молия ва суғурта фаолияти	7 049,9	1,2	1,2
касбий, илмий ва техник фаолият	7 719,9	1,2	1,3
таълим	11 308,7	1,9	1,9
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	11 704,0	2,2	2,0
санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	2 291,1	0,9	0,4
турар-жой қурилишига инвестициялар	46 632,1	5,6	7,9
бошқа фаолият турлари	22 425,2	4,5	3,8

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга хорижий инвестиция
ва кредитлар ҳажми \(йиллик\)](#)

[Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга хорижий инвестиция
ва кредитлар ҳажми \(чораклик\)](#)


III. Асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар

2025 йил январь-декабрь ойларида жами янги асосий фондларни яратишга қаратилган асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар 33,5 млрд АҚШ доллари ёки 422,1 трлн сўмни ташкил этди.

Худудлар кесимида хорижий инвестиция ва кредитлар, млрд сўм

	Хорижий инвестициялар	ЎзР кафолати остида хорижий кредитлар	Кафолатланмаган хорижий кредитлар
Ўзбекистон Республикаси	281 128,8	32 507,1	108 460,8
Қорақалпоғистон Республикаси	11 780,9	1 728,3	6 262,2
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	19 920,3	483,0	5 569,0
Бухоро	20 635,9	3 424,2	8 926,7
Жиззах	11 799,7	735,0	6 260,5
Қашқадарё	12 866,6	4 620,0	11 747,6
Навоий	23 727,9	3 573,9	8 071,7
Наманган	39 607,8	1 544,6	9 186,8
Самарқанд	16 727,1	1 786,8	7 153,5
Сурхондарё	7 099,0	1 746,6	6 156,0
Сирдарё	9 780,8	626,2	2 571,3
Тошкент	34 674,4	3 388,2	15 159,1
Фарғона	18 544,4	511,2	4 244,6
Хоразм	6 378,8	1 759,1	7 212,4
Тошкент ш.	47 985,2	6 580,0	9 939,4

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар



Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми \(йиллик\)](#)

[Асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми \(чораклик\)](#)

IV. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий соҳа объектларини ишга тушириш

2025 йил январь-декабрь ойларида жами 15 908,8 минг кв.м турар-жойлар ишга туширилиб, 2024 йилга нисбатан 2,8 %га ошди.

Кўриб чиқиладиган даврда республика бўйича жами 925,1 км сув тармоғи ишга туширилди, уларнинг 80,5 %и ёки 745 км қишлоқ жойлар ҳиссасига тўғри келди.

Шунингдек, 2025 йил январь-декабрь ойларида 17,9 км газ тармоғи ишга туширилиб, улардан 9,8 км қишлоқ жойларни газлаштиришга тегишли.

Худудлар кесимида ижтимоий соҳа объектларини ишга тушириш

	Турар- жойлар, минг кв.м	Улардан: қишлоқ жойларда, минг кв.м	Сув тармоғи, км	Газ тармоғи, км
Ўзбекистон Республикаси	15 908,8	10 538,1	925,1	17,9
Қорақалпоғистон Республикаси	841,5	381,4	70,2	-
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	1 335,6	902,0	-	-
Бухоро	1 518,6	1 056,0	31,4	-
Жиззах	540,0	229,7	410,4	13,3
Қашқадарё	1 061,4	559,4	36,6	-
Навоий	716,7	620,5	-	-
Наманган	1 533,2	922,4	-	-
Самарқанд	436,5	400,0	-	-
Сурхондарё	1 364,1	1 284,4	80,1	-
Сирдарё	136,1	67,6	41,7	-
Тошкент	1 997,7	1 498,9	-	-
Фарғона	1 630,8	1 059,9	173,4	4,6
Хоразм	1 769,7	1 555,9	81,3	-
Тошкент ш.	1 000,1	-	-	-

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Ишга туширилган уй-жойларнинг умумий майдони \(йиллик\)](#)

[Ишга туширилган сув тармоқлари узунлиги \(жами, йиллик\)](#)

[Ишга туширилган газ тармоқлари узунлиги \(жами, йиллик\)](#)

V. Асосий капиталга инвестициялар бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларга барча турдаги қурилиш ишларига қилинган харажатлар; асбоб-ускуналарни монтаж қилиш бўйича харажатлар; машина, асбоб-ускуналар (монтаж талаб этиладиган ва талаб этилмайдиган), транспорт воситалари, жиҳоз ва хўжалик инвентарини сотиб олиш; бошқа капитал ишлар ва харажатлар киради. Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми тўғрисидаги маълумотлар, илгари бошқа ташкилотларнинг асосий фондларида ҳисобга олинган асбоб-ускуналар, бинолар ва иншоотлар (ёки уларнинг эҳтиёт қисмлари)ни сотиб олишга қилинган харажатларсиз келтирилган.

Чет эл инвестициялари – асосан келгусида фойда олиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхона ва ташкилотларга киритилган чет эл капиталли.

Барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга киритилган инвестициялар янги ва импорт орқали харид қилинган асосий воситаларни ўз ичига олади. Буларга: уларнинг бошланғич қийматини оширишга олиб келадиган янги қурилиш, кенгайтириш, объектларни реконструкция ва модернизация қилиш учун кетган харажатлар, машиналар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, ер ҳолатини яхшилаш учун харажатлар, геологик қидирув ишларига, асосий подани шакллантиришга ва кўп йиллик ўсимликларни ўтказишга кетган харажатлар киради.

Мазкур кўрсаткичга шунингдек, молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳамда техник ва гуманитар ёрдам, “МЕН” шартномалари, таъсисчиларнинг янги асосий восита сифатидаги бадаллари, интеллектуал мулкчилик объектларига ва интеллектуал фаолият маҳсулотларига инвестициялар киритилади.

Метамаълумот учун ҳавола:

<https://stat.uz/files/349/METAMALUMOTLARuz/1865/Asosiy-kapitalga-investitsiyalar.pdf>
<https://stat.uz/files/349/METAMALUMOTLARuz/1872/Iqtisodiy-faoliyat-turlari-boyicha-asosiy-kapitalga-ozlashtirilgan-investitsiyalar.pdf>
<https://stat.uz/files/349/METAMALUMOTLARuz/1867/Asosiy-kapitalga-xorijiy-investitsiya-va-kreditlar.pdf>

Тайёрлаш учун масъул:
Инвестициялар ва қурилиш
статистикаси бошқармаси

Ижрочи:
Д. Хидиралиева
71 203-80-00 (1163)

